



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (14.003)

Баҳоси эркин нарҳда

МДҲНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тadbирлари 11 октябрь кунини бўлди.
Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Дастлаб МДҲ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Унда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини кайд этди ҳамда шерикликнинг истиқболли йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ўзбекистон учун, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, турли тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистика ва транзит салоҳиятини рўйбга чиқариш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш жиҳатидан манфаатлидир. Сўнги йилларда мамлакатимизнинг ушбу ташкилотдаги иштироки анча фойдаланди. Жорий йилда юртимизда МДҲнинг кўп қатлиги тadbирлари ўтказилди.

Хусусан, Тошкентда МДҲ Ички ишлар вазирлари кенгаши, Самарқандда Туризм бўйича кенгаши йиғилишлари бўлиб ўтди.

Учрашувда 2020 йилда МДҲга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтishi тўғрисидаги қарор барча иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрдаги МДҲни тузиш тўғрисидаги би-

тим асосида ташкил қилинган. Ижроия қўмита МДҲнинг ижро этувчи, мазмурий ва мувофиқлаштирувчи идорасидир.

Кайд этиш керакки, мамлакатимиз Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг Сочи ва Душанба шаҳарларида бўлиб ўтган мажлисларидаги иштироки янгалари бўйича "Йўл хариталари" тасдиқланган.

Шунингдек, сўнги йилларда шартномавий-ҳуқуқий база ва МДҲ доирасида мамлакатимиз ҳамкорлигининг ҳолати инвентаризация қилинганини алоҳида кайд этиш керак.

МДҲ форматда Ўзбекистоннинг ташаббуслари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг янада ўсиши, турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, халқро ва минтақавий транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигида шериклики фаоллаштириш, саноат ва аграр тармоқларга рақамли технологияларни жорий этиш, минтақаларо ва трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш, афгон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришни қамраб олади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити кенг доирадаги музокаралар билан давом этди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган комплекс масалаларни муҳокама қилиб, томонларни қизиқтирган халқро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда МДҲга раислиги қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раислиги давомида ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга устувор аҳамият қаратилишини таъкидлади.

Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилишни жадаллаштириш тақлиф этилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо зонаси тўлиқ ишланиши таъминлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш ва учинчи мамлакатлар бозо-

рини ўзлаштириш, аграр, энергетика ва телекоммуникациялар тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий, инновацион ва таълим дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлатимиз раҳбари ўн йилга мўлжалланган Транспорт ва транзит йўлақларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва Худудларо ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади.

Келаси йили юртимизда биринчи МДҲ худудларо форуми бўлиб ўтади, шунингдек, МДҲ савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгаши мажлисини ўтказиш, унинг доирасида Ҳамдўстликнинг ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталигини ташкил этиш тақлифи билдирилди. Ахборот хавфсизлиги, маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳам қатор тadbирлар режалаштирилган.

Музокаралар якунида ҳужжатлар имзоланди. 2020 йилда МДҲга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтishi тўғрисида қарор. Стратегик иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Совет халқининг 1941–1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқро ҳамжамиятга мурожаати, 2020–2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишлариға қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳўжатлар қабул қилинди.

Саммит якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган матбуот анжуманида МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев Туркменистоннинг ташкилотга раислиги даврида барча тadbирлар, жумладан, Ашхобод саммити юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Саммитда МДҲ давлат раҳбарлари томонидан 8 та муҳим ҳўжат имзолангани ҳақида маълумот берди. 2020 йилда МДҲга раислик Ўзбекистонга ўтганини билдирди ва ушбу масъулиятни вазиғани бажаришда муваффақиятлар тилади.

Шу билан МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ашхобод саммити ниҳоясига этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ
Тошкент – Ашхобод – Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14–15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг (Туркий кенгаши) еттинчи саммитида иштирок этади.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистон, кузатувчи мамлакат сифатида иштирок этаётган Венгрия ҳамда Туркменистон делегациялари раҳбарлари Туркий кенгаши доирасидаги кўп қирралли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган

масалаларни муҳокама қиладилар.
Саммитда Туркий кенгаши аъзо давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг тўла ҳуқуқли аъзо сифатида Ташкилотга қўшилиши тўғрисида Қўшма баёноти қабул қилинади.
Учрашув якунида Туркий тилли давлатлар ҳам-

корлик кенгаши еттинчи саммитининг декларацияси қабул қилиниши кутилмоқда.
Давлатимиз раҳбари Бокуга ташрифи доирасида саммитда иштирок этадиган делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Авал хабар берилганидек, 2019 йил 11 октябрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.
Сенаторлар ишини "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилишдан бошладилар. Қонунда банк фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш, банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларини назорат қилиш, шу жумладан, таваккалчиликларни бошқаришга доир талаблар белгиланган. Жумладан, банкларнинг устак капиталли миқдори 100 миллиард сўмни ташкил этади.

Қонун билан банкни ташкил этиш, банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун дастлабки рухсат бериш, банк фаолиятига лицензиялар бериш, инвесторлар томонидан банк акцияларини Марказий банк розилигисиз харид қилиш тартиби такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, банкларо операциялар, банклар ва уларнинг миқозлари ўртасидаги муносабатлар, кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, шунингдек, кредитлар қайтарилишини таъминлаш тартибига солинмоқда. Молиявий муассасалар тегишли хизматлар кўрсатиш, ахборот тақдим этиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва монополияға қарши қоидаларға банклар риюя этишини назорат қилиш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳўқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, Қонун билан пруденциал назорат механизми жорий этилмоқда. У тегишли нормативлар, банкларнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаси, ўзаро боғлиқ шахслар билан битимлар тузишни тартибға солаш, банкларға нисбатан таъсирчан қоралар кўриш учун вақтинчалик бошқарувини тайинлаш, банк таваккалчиликларни пайдо бўлганда уларни эрта аниқлаш ва банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлашни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, банкларда ҳисоб, ҳисобдорлик ва аудиторлик текшируви тўғрисидаги нормалар киритилмоқда, у бухгалтерия ҳисоби юритиш, молиявий муассасаларга доир ҳўжатларни сақлашни, банкларнинг аудиторлик текширувини ва аудиторлик текширувини амалга оширувчи тегишли ташкилотға қўйилган талабларни ўз ичига олади.
Парламент аъзолари Қонуннинг қабул қилиниши омонатчилар ва банк хизматчиларидан бошқа фойдаланувчилар ҳўқуқ ҳамда манфаатларини ҳисобға олган ҳолда банклар барқарорлигини таъминлаш ва улар ўртасида самарали рақобат муҳитини яратишға доир чора-тadbирларни амалга оширишға хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маълумланди.

(Давоми 3-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 21, 25-моддаларига, шунингдек, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари тавсиясига мувофиқ, халқ депутатларининг навбатдаги йиғилишлари ўтказилди.

Ушбу йиғилишларда "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари комиссияларининг шахсий таркиблари ҳақида"ги қарорлари маълумот учун қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашиға сайлов ўтказувчи 60 та ва Тошкент шаҳрининг туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 327 та округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиблари ҳақидаги маълумотлар www.toshkent.uz сайтиға жойлаштирилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар сайлов комиссиялари

ТАШҚИ БЕГАРАЗ КЎМАК МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ВА ДОНОРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, шу мақсадда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи бегараз кўмак маблағларини (кейинги ўринларда – грантлар) фаол жалб этиш, Ўзбекистон Республикасига бегараз ёрдам бераётган хорижий давлатлар, халқро ва хорижий ҳукумат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, чет эл компаниялари, ташкилотлари ва жамғармалари (кейинги ўринларда – донорлар) билан яқин шериклик муносабатлари ўрнатиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, донорлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини, шунингдек, уларнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни назорат қилиш тизимининг етарли даражада эмаслиги жалб этилаётган грантларнинг ҳажмларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини бермайти.

Ташқи бегараз кўмакни жалб қилиш ва ўзлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада олиб борилаётган ишларнинг миллий манфаатлар ва устуворликлар билан уйғунлигини таъминлаш, грантлар ҳисобидан молиялаштирилмаган лойиҳаларни тайёрлаш, амалға ошириш, мониторинг қилиш ва ҳисобға олишининг ягона тизимини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлик қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар **грантлардан самарали фойдаланиш комплекс тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

грантлар ҳисобидан молиялаштирилмаган лойиҳаларни биргалтиришга амалға ошириш ва натижадорлигини баҳолаш, аниқ соҳаларнинг иқтисодлашувини ҳисобға олган ҳолда ушбу секторлардаги тартиб-таомилларни уйғунлаштириш ва саъй-хара-

катларни бирлаштириш масалалари юзасидан донорлар билан доимий мулоқотнинг барқарор платформасини шакллантириш;

иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳаға грантларни жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлар ва ишға солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, донорлик салоҳиятиға эға бўлган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро яқин алоқалар ўрнатиш;

тегишли иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда жалб этилаётган грантларнинг мамлакат манфаатлари ва миллий устуворликлар билан уйғунлигини таъминлаш;

грантларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш ташкил қилиш учун давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг шахсий маъмулиятини ошириш,

грантлардан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олиш бўйича давлат молия назорати органларининг профилактика ишларини кучайтириш;

грантлар ҳисобидан молиялаштирилмаган лойиҳаларнинг муддатларига риюя қилиш ва қўйлаётган амалий натижаларға эришиш устидан жамоатчилик назоратини амалға оширишда парламентнинг ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ролини, шунингдек, фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш;
жалб этилаётган грантларни мувофиқлаштириш бўйича ягона ахборот тизимини ташкил қилиш, ташқи бегараз кўмак йўналишларини ва қўланиш соҳаларини таҳлил қилиш усулларини автоматлаштириш ҳолда, ушбу лойиҳаларнинг электрон ҳисобға олиш ва ҳисобини юритиш учун шарт-шароитлар яратиш.

(Давоми 2-бетда)

Фарғона вилоятлари ҳоким ўринбосарлари, мазкур вилоятлар давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этди.

● Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари" мавзусида халқро давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган тadbирда юртимиздаги давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ва блогерлар, Вена шаҳридаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирокчи мамлакатларининг доимий вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан журналистлар иштирокида пресс-тур ташкил этилди. Журналистлар пресс-тур давомида Хатирчи

ҳамда Навбахор туманларида бўлиб, жойларда амалға оширилаётган ишлари марказий нашрлар, телевидение орқали кенг ёритди. Ижодкорларнинг навбатдаги манзили вилоятнинг Қонимех тумани бўлди.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Ўрта Чирчиқ туманида "Ёшлар бизнинг келажағимиз" мавзусида хайрия тadbирини ўтказилди. Тadbирда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни амалға ошириш, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, ноғиронлиги бўлган болаларға эҳтиром кўрсатиш, эъзозлаш, уларнинг ҳаётға бўлган иштирокини оширишға ҳисса қўшиш, шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида партия ғоясининг мазмун-моҳиятини ёйиш, интернет тарбияланувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишға эътибор қаратилди.



● Японияға ёпирилган "Хагибис" тўфони курбонлари сони сутка давомида 9 бараварға кўпайди. Олдинроқ табиий офат оқибатида 2 киши ҳалок бўлгани билдирилганди. Охириги маълумотларға кўра, тўфон туғайли ҳалок бўлганлар сони 60 дан ортиқ кишиға етди, 120 нафардан ортиқ киши жабрланди. Шунингдек, 13 дан 22 нафаргача киши бедарак йўқолган ҳисобланмоқда. 500 мингдан ортиқ уй электр қувватсиз қолди, 800 дан ортиқ самолёт рейслари бекор қилинди. Тўфон вақти зилзила ҳам рўй бергани айтилмоқда.

● Англининг Манчестер шаҳридаги савдо марказида 5 кишиг пичоқ билан ҳужум уюштириб жароҳат етказган жиноятчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан қўлга олинди. Ҳозирда савдо маркази ёпилган, тергов ишлари олиб борилмоқда.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида сайловларда халқро ташкилотлар ва халқро кузатувчилар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлар олдидан ташкил этилган мазкур тadbирда Наманган, Андижон,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИТАШҚИ БЕГАРАЗ КЎМАК МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ВА ДОНОРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) **грантлар ҳисобидан молиялаштириш тақлиф этилаётган лойиҳа ташаббусларини ишлаб чиқиш, дастлабки саралаш ва келишиш жараёнларини мувофиқлаштириш, ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини ҳисобга олиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.**

3. Белгилансинки: давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда – лойиҳа ташаббускорлари) **бир лойиҳа бўйича қиймати 100 минг АҚШ доллари ва ундан кўпроқ бўлган грантларни Вазирлик томонидан ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланадиган ташқи бегараз кўмак маблағларини жалб этиш ва донорлар билан ҳамкорлик қилиш дастурларига** (кейинги ўринларда – Дастурлар) киритган ҳолда жалб этади;

Дастурлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурларини, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифарларни, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини, тармоқлар ва худудларни ривожлантириш дастурларини, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлик томонидан шакллантирилади;

Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари билан биргаликда ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли хорижий донорларни жалб этишда Вазирлик, лойиҳа ташаббускорлари, тармоқлар ва худудларга ёрдам беради;

лоийҳа ташаббускорлари ўзларига тааллуқли қисмида ташқи бегараз кўмак лойиҳаларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, уларнинг Дастурларга киритилиши учун тақдим этилиши, лойиҳа ҳужжатлари сифатли тайёрланиши, шунингдек, грантлар тўлиқ ҳажмида ва ўз вақтида ўзлаштирилиши учун барча тадбирларнинг сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришда лойиҳа ташаббускорлари томонидан грантларни жалб этиш тўғрисидаги битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ харажатларни (мажбурий тўловларни тўлаш, рухсатнома берувчи тартиб-таомиллардан ўтиш, товарларни ташиш, кузатиш ва сақлаш, ускуналарни монтаж қилиш, соғлаш, йиғиш, ўрнатилиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар) қоплаш учун маблағларни назарда тутиш ва уларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги грантлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш юзасидан тизимли чораларни кўради.

4. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг **Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Комиссиясининг техник қўмагини мувофиқлаштириш бюросини** (кейинги ўринларда – ЎзБюроКЕС) **туғатиш** ва унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, штат бирликлари ва мулки (бино ва иншоотлари)ни Вазирликка топшириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

5. Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг сони 11 нафардан иборат бўлган **Ташқи бегараз кўмакни мувофиқлаштириш департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Департаментнинг штат бирликлари ЎзБюроКЕСнинг 7 донна штат биригиди ҳамда Вазирликнинг умумий штатлари сони ҳисобига шакллантирилади.

6. Қуйидагилар:

Ташқи бегараз кўмак маблағларини жалб этиш ва донорлар билан ҳамкорлик қилиш дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва амалга ошириш схемаси 1-иловага мувофиқ;

2019-2020 йилларда донорлар билан ишлаб чиқилмаган устувор ташқи бегараз кўмак лойиҳалари рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Рўйхатга киритилган ташқи бегараз кўмак лойиҳалари бўйича ҳужжатларни яқиний келишиш, маъқуллаш ва расмийлаштириш бўйича зарур тартиб-таомиллар бажарилишини таъминласин;

донорлар билан ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини молиялаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча муаммолари масалаларни ҳал этиш бўйича ишларни фаоллаштирсин.

7. Вазирлик 2020 йил 1 августга қадар, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи **“Ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини электрон тарзда келишиш, мониторинг қилиш ва ҳисобга олиш”** ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

Дастурларни шакллантириш, келишиш ва ҳисобга олиш жараёнларини рақамлаштириш; ташқи бегараз кўмак лойиҳаларининг муддатларига риоя этилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

ҳамма учун ишонарли ва очик бўлган, жалб қилинган ва ўзлаштирилган грантларнинг ҳажми ва йўналишлари, донорларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган жорий лойиҳаларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ҳамда грантлар билан боғлиқ бошқа барча маълумотларни шакллантириш; лойиҳа ташаббускорларига ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини жалб этиш ва самарали амалга ошириш, лойиҳаларнинг паспортларини ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли тайёрлаш масалалари бўйича, шунингдек, донорларга эса грантларни ажратиш географияси ва йўналишлари тўғрисида онлайн-маслаҳатлар бериш.

Вазирлик 2020 йил 1 февралга қадар Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни молиялаштириш учун грантлар жалб этилишини таъминласин.

8. Белгилансинки:

лоийҳа ташаббускорлари бир лойиҳа бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидан ошмайдиган грантларни мустақил равишда жалб этади ва донорлар билан музокараларни олиб боради, бунда грантлар жалб этилишини назарда тутувчи битимларнинг нусхалари Вазирликка мажбурий тартибда юборилади;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган донорларнинг лойиҳа ташаббуслари нусхалари уларнинг қўриб чиқилиши устидан мониторингни амалга ошириш учун **нусхалар келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичида Вазирликка мажбурий тартибда юборилади;**

2021 йил 1 январдан бошлаб Дастурларни келишиш, шакллантириш ва тасдиқлаш **Ахборот тизими орқали фақат электрон шаклда** амалга оширилади.

9. **2019 йил 1 декабрдан бошлаб** шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси донорлар делегациялари ташрифларини ва уларнинг расмий шахслар билан учрашувларини ташкил этиш, шунингдек, республика худудларига сафарлар ташкил қилиш масалалари бўйича сўровларни Ташқи ишлар вазирлигига олдиндан юбориш муддати **30 иш кунидан 15 иш кунигача қисқартирилади;**

грант олувчилар томонидан **банк ҳисобварақларидан кўчирмаларни, шунингдек, техник кўмак маблағлари тўғрисида ахборот ва идоравий ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигига** тақдим этиш мажбурияти беркин қилинади;

грант олувчилар **ҳар чоракда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан) Вазирликка олинган ва ўзлаштирилган грантлар ҳамда амалга оширилмаган ташқи бегараз кўмак лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни Вазирлик томонидан белгиланадиган шакл бўйича тақдим этади;**

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига ташқи бегараз кўмак лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаганлик ҳамда тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга эришганлик учун грантларни жалб этиш ва ўзлаштиришда бевосита иштирок этган ходимларга нисбатан ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, грантлар, шунингдек, қўнуқчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **меҳнатга ҳақ тўлаш минимал миқдорининг ўн беш бараваригача**, аммо ўзлаштирилган грант суммасининг икки фоизидан ошмайдиган миқдорда **бир йўла муқофотлаш тарзидаги рағбатлантириш чораларини** қўллаш ҳуқуқи берилади;

лоийҳа ташаббускорларига грантларни жалб этиш тўғрисидаги битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан ташқари жамғармалар, маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичлари орттириб бажарилган қисмидан бўшаган қолдиқлар ҳамда қўнуқчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига қоплаш ҳуқуқи берилади.

10. Белгилан кўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Вазирлик ёки лойиҳа ташаббускорлари – бюджет ташкилотларининг бюртманомаларига кўра **Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассислар учун давлат божи ундирилмаган ҳолда кўп марталиқ визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилиши, шунингдек, улар яшаб турган жойда вақтинча прописка қўйилиши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини** ўрнатилган тартибда таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Вазирлик ёки лойиҳа ташаббускорлари – бюджет ташкилотларининг бюртманомаларига кўра **Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассислар учун давлат божи ундирилмаган ҳолда кўп марталиқ визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилиши, шунингдек, улар яшаб турган жойда вақтинча прописка қўйилиши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини** ўрнатилган тартибда таъминлайди;

Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида харид қилинган транспорт воситалари мажбурий тўловлар ва йиғимлар ундирилмаган ҳолда рўйхатга олиншини таъминлайди, автомобилларнинг воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома ва давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгилари учун тўловлар бундан мустасно.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида кириб келаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникага нисбатан **давлат реестрига киритмасдан ва ўрнатилган йиғимларни ундирмаган ҳолда дори во-**

ситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника бир марталиқ давлат рўйхатига олиншини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган **дори воситаларини рўйхатга олиш натижаларини тан олиш** тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

12. Белгилансинки, ушбу Фармон билан назарда тутилган имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар суммаси, башарти донорлар билан битимларда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, **Ўзбекистон Республикасининг ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишга қўшадиган ҳиссаси ҳисобланади.**

13. **Ташқи бегараз кўмакни жалб этиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин** ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин: донорлар билан доимий мулоқот платформасини шакллантириш, ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини молиялаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммолари масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаш, ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳамкорлик географиясини кенгайтириш ва молиялаштиришнинг янги салоҳиятли манбаларини излаш бўйича тизимли ишлар олиб бориш;

ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини келишиш ва ишлаб чиқиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва механизмларини такомиллаштириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

ҳар ой давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг грантларни жалб қилиш ва уларнинг ҳажмларини кўпайтириш, донорлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида, шунингдек, ҳар олти ойда – Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларининг ташқи иқтисодий фаолияти билан шуғулланувчи ходимларининг ҳисоботларини тинглаш.

14. Вазирлик:

а) икки ой муддатда жалб қилинаётган грантларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илгор халқаро тажрибани, шу жумладан, Вазирлик мутахассисларининг хорижий мамлакатларга сафарини ташкил қилган ҳолда ўргансин ва амалиётга жорий этилишини таъминласин;

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, донорлар вакилларини ва малакали хорижий мутахассисларни мазкур жараёнга фаол жалб этган ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ходимлари орасида грантларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича мунтазам асосда семинарлар ва тренинглар ўтказсин;

в) қуйидагилар: грантлар жалб қилиш ва ўзлаштириш соҳасидаги малакали мутахассислар, шунингдек, ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тайёрларик, қайта тайёрларикдан ўтган ва малака оширган шахслар;

ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари, уларнинг яқунлари бўйича тузилган ҳисоботлар, маърузалар, маълумот ва таҳлилий материаллар ҳамда бошқалар тўғрисидаги маълумотлар базасини қўнуқчиликка мувофиқ шакллантирсин ва доимий асосда янгилан боर्सин;

г) ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш яқунлари бўйича қўйла киритилган ижобий тажриба иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг тегишли тармоқларида кенг тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ташқи бегараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан грантлар ҳисобига молиялаштириш тақлиф этилаётган устувор ва истикболли лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини, шунингдек, Дастурларни шакллантиришда Вазирлик ва лойиҳа ташаббускорлари ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш механизмларини назарда тутувчи низомни; гуманитар ёрдам олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш жараёнини соддалаштириш ва муддатини қисқартириш ҳамда “гуманитар ёрдам” түшүнчасини қайта қўриб чиқиш чораларини кўрган ҳолда Гуманитар ёрдам юқларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат олиб бориш ҳамда гуманитар лойиҳаларни мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомнинг янги таҳирини;

қўнуқ ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Ҳулмолов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М.Ҳаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 10 октябрь

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган? Сайлов ҳуқуқи бузилса, кимга, қаерга ва қандай тартибда муурожаат қилиш керак?

Бу каби саволларга жавоб топиш тобора яқинлашиб келаётган Олий Мажлис Қўнуқчилиқ палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдида низоҳотда муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида мамлакатимиз маъмурий судлари судьялари учун сайлов низоҳатини ҳал этиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган семинар-тренингда айни фикрлар алоҳида қайд этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Видеоконференция тарзида ўтказилган семинар-тренинг барча вилотларда фаолият олиб бораётган маъмурий судлар судьяларини қамраб олди.

Молдова давлат университети профессори, Молдова Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг собиқ аъзоси Юрие Чокан ва Молдова Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Вадим Филипов мулоқотларнинг асосий иштирокчиси бўлди.

Эксперт Ю.Чокан фикрича, сайловларнинг очик, шаффоф тарзда ўтказилиши сайлов жараёнларига ҳақиқий баҳо беришда асосий омил саналади. Мазкур тамойиллар, ўз навбатида, сайловга оид қўнуқ ҳужжатлари бўлишининг олдини олади. Ўзбекистонда бўлажак сайловларда сайлов қўнуқчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзага келмаслигини таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий асос бор. Бу, албатта, Сайлов кодексидир. Мазкур кодексда акс этган нормалар сайловларни адолатли, ҳаққоний ўтказиш борасида халқаро стандартларга мос. Шу боис Ўзбекистоннинг Сайлов кодексига халқаро миқёсда ҳар томонлама ижобий баҳоламоқда.

Экспертнинг сўзларига кўра, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг суд ҳимояси ҳақидаги тушунчаларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Сайловга оид тарғиботларда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

БУГУН САЙЛОВЧИ ҲАМ АВВАЛГИДАЙ ЭМАС

– Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқларидан бири, – деди Тошкент вилояти Маъмурий суди судьяси Азизжон Эрназаров. – Уни бевосита ва билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Агар сайлов ҳуқуқи бузилса, сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси, Марказий сайлов комиссияси ёки тўғридан-тўғри маъмурий судларга муурожаат қилиш лозим. Сайлов кодексидан сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қўриб чиқиш тартиби батафсил акс этган. Унга кўра, сайлов комиссиялари муурожаатлар бўйича тегишривлар ўтказиб, уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар беради. Сайловга камидан олти кун қолганида ёки овоз бериш кунли келиб тушган муурожаатларни эса дарҳол қўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт. Муурожаатлар қайдлов дафтаридан рўйхатга олиниши лозим. Сайлов комиссиясининг раиси муурожаатни қўриб чиқиш ва унга доир қарор қабул қилиш учун тегишли комиссияни ушбу Кодексда белгиланган муддатларда чақиради ва унинг мажлисини ўтказди. Мажлисга манфаатдор шахслар тақлиф этилиши мумкин. Муурожаатни қўриб чиққан сайлов комиссиялари аъзолари уни қўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида муурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

Сайлов комиссияларининг қарорларини устидан шикоят тутошса-чи? Уни қўриб чиқиш тартиби қандай?

Мулоқотлар давомида бу масала хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, депутатликка номзодлар қўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорларини устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорларини устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин ун кун ичида, сайловга камидан олти кун қолганида эса дарҳол қўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни қўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

– Сайлов қўнуқчилигини бузганлик учун амалдаги қўнуқларимизда тегишли жавобгарлик белгиланган, – деди Тошкент вилояти Янгийўл тумани Маъмурий суди раиси Нурали Жанлиев. – Бу борада қўлланадиган жавобгарлик чораларидан бири – маъмурий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланган V-боб мавжуд. Унда сайлов жараёнида содир этилиши мумкин бўлган қўнуқбузилишлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар ўз ифодасини топган. Яъни, сайлов комиссиялари фаолиятига аралашини, комиссия қарорларини ижро этмаслик, номзоднинг, ишончли вакилнинг ёки кузатувчининг ҳуқуқларини бузиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш шартларини бузганлик, сиёсий партиялар ва номзодлар ҳақида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик субъекти фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда сайлов тизими фақат қўнуқчилик нуқтаи назаридан янгилашди. Зеро, бугун сайловчилар ҳам аввалгидай эмас – уларнинг тафаккури янги, дунёқараши замонавий. Улар бу сиёсий жараёнда иштироки муҳим эканини яхши англайди, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳақида кўпроқ билади. Бир сўз билан айтганда, сайловга бефарқ эмас. Буларнинг бари жорий йилнинг 22 декабрь кунли Олий Мажлис Қўнуқчилиқ палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда яна бир қарра ўз исботини топди. Семинар-тренинг иштирокчилари ана шундай яқдил фикрда.

Феруза МИРЗАКОМИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга интилиши, мустақилликка эришиши арафасидаги дастлабки дадил қадами ўзбек тилига Давлат тили мақомини беришдан бошланди. Мустақиллик эълон қилинмай туриб, узоқ йиллар давомида бўғилиб, қадрсизланиб келаётган миллий тилимизни сақлаш, тиклаш, асраш, юксалтириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Бу ҳам тил эрки, озодлиги, тараққиётининг миллият тақдирига, миллий хурриятга ниҳоятда чамбарчас боғлиқ эканлигини, миллият ва тил тақдирини ўзаро мустақам ришта билан пайванд этилганлигини намойиш этувчи тарихий ҳақиқатдир.

Бугун миллият билан бирга яралиб, шонли тарихнинг барча сокин ва суронли даврларини миллият билан ҳамнафас босиб ўтиб, миллият дарду қувончига шерик бўлиб келаётган, Ватан янглиг бепоён ва муқаддас, она каби мўтабар ва мунис, жон каби яқин ва азиз ўзбек тилимизнинг мақому мартабаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 4 октябрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори билан яна бир қарра юксалди, эъзоз топди.

Ўзбек тилимиз "Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида гоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир" дея улуғланади ушбу қарорда.

Дарҳақиқат, ўзбек тили бугунги кунга кўп минг йиллик тарихий тараққиёт йўлини мардонвор босиб келмоқда. Ўрхун-Энасой ёдгорликларидаги битиклардан тортиб ҳозирги давргача яратиб келинаётган илмий, адабий, маънавий-маърифий манбалар ўзбек тилининг шаклланиши ва ривожланиши тенденциялари, адабий ифодаси, маъно қатламлари, луғат таркиби тўғрисида атрафлича ва асосли маълумотлар бера олади.

Халқ оғзаси ижодининг нодир намуналаридан бошлаб, қадимий битиктошлардаги ёдномалар, Махмуд Замахсарий, Махмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юнакий, Лут-фий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Увайсий, Нодира, Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби ижодкор-мутафаккирлар мероси бу борадаги салмоқли манбалар сирасига қиради. Шу билан бир қаторда, кейинги авлод вакиллари, XX-XXI аср

маърифати, адабиёти намоёндалари, тилшунос, адабиётшунос алломалари ҳам ўз бадиий, ижодий, илмий фаолияти билан ўзбек тилининг адабий, маънавий-маърифий бойлиги ва юксалишига, тобора сайқаланиб камол топишига бе-назир ҳисса қўшиб келмоқда.

Биз аждодларимизнинг меросини, узоқ ва яқин ўтмиш ҳаёт лавҳаларини, давлатчилигимизнинг тарихий асослари-

жагимсан, она тилим!" деган эзгу гофия ўзида мужассам этган маънавий-маъри-фий, маданий тарғибот тадбирларини ўтказишга қаратилган республика миқё-сидаги амалий ҳаракат юқоридаги жи-ҳатларни тўла қамраб олгани билан дол-зарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми бе-рилганнинг 30 йиллигини тантанали ўтказишга бағишланган қарор билан

Она тилим — олтин сандиғим
ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН,
КЕЛАЖАГИМСАН — ОНА ТИЛИМ

ни, миллий қадрият ва аъналаримиз-ни ана шу миллий тил воситасидагина янада чуқурроқ ангаймиш, ўзлаштири-миш, мустаҳкамлашимиз, келажак авлодга етказилишини таъминлаб бера оламиз. Шу боисдан ҳам ўзбек тили ўзбек халқи-нинг "миллий ўзлик ва мустақил давлат-чилик тимсоли, буюк қадрият" сифатида юксак мақомга эга.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафқуравий ўзгариш ва юксалишлар, дунёвий ҳамкорлик ва алоқалар бевоси-та тилга ҳам ўз таъсирини ўтказди: ада-бий тил луғат таркибига, маъно қатлам-ларида эскириш, янгиланиш жараёнла-ри кечадди, ҳаттоки, тилнинг грамматик табиатида ҳам ўзгаришлар содир бўла-ди. Шу боис тил ҳамisha таҳриру тад-қиққа, эътибору эъзоғга эҳтиёж сезади, мунтазам фаолликда бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"-ги қонуни қабул қилинганнинг 30 йил-лигини кенг нишонлашга, шу муносабат билан "Тарихимсан, тақдиримсан, кела-

ушбу қутлуг шодийёнага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича масъул ташкилий кўмита таркиби, оммавий маънавий-маърифий чора-тадбирлар дасту-ри ҳам тасдиқландики, буларнинг бар-часи она Ватанимиз раънақи, унинг жа-ҳон ҳамжамиятидан мустақам ўрин эгал-лаши йўлида олиб борилаётган жадал ислохотларнинг яна бир исботидир. Зо-тан, тил — миллият кўзгуси, тақдирини, ман-фаати, давлатчилик рамзидир. Уни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, тарғибу ташвиқ этиш, сайқаллаштириш, барқарорлашти-риш шу мамлакат ҳар бир фуқароси, шу миллият вакилларининг инсоний вазифа-си, маънавий бурчидир.

Бутун дунё тиллари ичра ўзбек тили ўзининг сермаёно қирралари, ифода ин-жалликлари, адабий қонуниятлари билан алоҳида виқор ва жозиба касб этиб, илму дониш аҳлини, маърифат пешволарини мафтун этиб келади. Бу барчамизга иф-тизор бағишлайди. Шундай бўлса-да, биз бугун айрим аҳоли ва ёшлар ўрта-сида ўз миллий давлат тилимизга бепи-

сандлик муносабатларини ҳам кўплаб ку-затамизки, бундай ҳолатларнинг барча-си миллий тил барқарорлиги ва юксали-ши йўлида зудлик билан ечилиши ло-зим бўлган бир қанча муаммолар мав-жудлигидан далолат беради.

Давлат тилини тантанали нишонлаш-га қаратилган қарорда "Ўзбек тили та-раққиёти ва халқаро ҳамкорлик масала-лари" мавзусидаги халқаро ҳамда "Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциялари ўтказилишининг бел-гиланиши юқоридаги масалалар ечимига қаратилган зарурий кўрсатмалардир.

Шунингдек, юқори интеллектуал сало-ҳиятли, ҳар томонлама баркамол авлод тарбиялаш йўлида замонавий талаблар асосида ташкил этилган Президент мак-таблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳам юртимизда илм-фан, ма-даният ва санъат соҳаси тараққиётини янги босқичга кўтариш билан бир қатор-да миллий манфаатларини, миллий қад-риятларини ҳимоя қилиш йўлидаги дав-латкор амалий ҳаракатлар мақсудлидир.

Хусусан, Мухаммад Ризо Огаҳий, Ис-хоқон Иброт, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Иброҳим Юсуфов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Хали-ма Худойбердиева, Мухаммад Юсуф но-мидаги ижод мактаблари баркамол ва-танпарварларни, юксак иқтидорли ёшларни тарбиялашга қаратилган маъ-рифат масканлари, тил ва адабиётнинг яшнаш ва юксалиш ўчоғи сифатида қад кўтарган зиё машъалларидир. Уларнинг ҳар бири миллий тилимиз ҳимоячиси, тарғибот ва ташвиқот манбаидир.

Миллий тиланишдан миллий юксалиш сари дадил одимлаётган мамлакатимизда она тилимиз раънақи ҳам ало-ҳида эътибор қаратилди, юксак эҳтиром кўрсатилди. "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 30 йиллиги тантанаси арафа-сида халқимизнинг жон каби азиз ва бе-баҳо қадрияти — ўзбек тилининг маъна-вий мақоми тақомиллашди.

Биз Давлат тилининг асосий тарғи-ботчиси, ҳимоячиси бўлган ҳар бир юрт-дошимиз, миллиятдошимизни ўзбек тили тараққиётини йўлида бирлаштишга, ҳамкор, ҳамқарор бўлишга чорлаб қоламиз. Зеро, куч — бириликка, юксалиш — бирлаш-ишга, тараққиёт — яқдилликка, раънақ — ҳамкорликка.

Феруза АЗИМОВА,
Республика Маънавий ва маърифат
маркази бўлим бошлиғи

Чилонзор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ
ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ
МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ
ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТган
ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ
УЧУН ИШ ҲАҚИДАГИ
УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронлари ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxbоротномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маъжамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмай-диган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 205 та ташкилотларда аҳолининг қўйидаги тоифалари учун 10 фоиз жами 3418 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

• ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларини уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари 15 фоиз — 513 та;

• таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 75 фоиз — 2564 та;

• мuddатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари 2,5 фоиз — 85 та;

• ногиронлар учун 1 фоиз — 34;

• бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун — максум малакали талаб қилмайдиган иш ўринлари 1 фоиз — 34 та;

• одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари 0,5 фоиз — 17 та;

• жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тебибый характердаги мажбурий чоралар қўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, мўайян касб-хунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун — максум малакали талаб қилмайдиган иш ўринлари 5 фоиз — 171 та;

2. Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловасига асосан тасдиқлансин:

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарлари-га: ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йил якунидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2020 йилнинг 10 апрелидан кейинки иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, янги ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касб-лар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этилсин.

Иловасидаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шaroитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси юзасидан "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмай-диган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари Низом"нинг талабларига қатъий риоя этилсин.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийна-лаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловасида белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташки-лотлар учун иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маб-лағларнинг бир қисминини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш марказига маблағлари ҳисобидан қоллаш ҳуқуқига эга аҳолининг иноватла олининс.

6. Чилонзор туман Аҳолига бандлигига кўмаклашиш мар-кази (М.Мирзолимов) ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат уюштирилсин.

7. Чилонзор тумани ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар гу-руҳи (Н.Мақсудов), туман Аxbорот ва коммуникация техноло-гияларини ривожлантириш бўлими (Б.Абдухамидов) ва Матбу-от хизмати (М.Болиев) ва:

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.chilonzor.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Чилонзор туман ҳокимининг 2018 йил 25 декабрдаги "Чилонзор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш то-пишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 1541-сонли қарори 2019 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Алимов зиммасига юклатилсин.

Чилонзор тумани ҳокими
С.Махаметов

2019 йил 8 октябрь

Пойтахтимида VII Европа киноси фестивали бошланди.

ЕВРОПА КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий асо-циациясининг "Медиа-холл" биносида бошланган мазкур тад-бирга турли вазирилик ва идора-лар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий диплома-тик корпус ва халқаро ташкилот-ларнинг вакиллари, кино ижод-корлар, санъат мухлислари так-лиф этилди.

Мазкур ижодий лойиҳа "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Европа Иттифоқининг Ўзбекис-тондаги делегацияси билан бир-га, Ўзбекистон электрон омма-вий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг кўмағида та-шкил этилган.

Мамлакатимизда миллий кино соҳасига эътиборни тобора ку-чайтириш борасидаги амалий чора-тадбирларда халқаро ҳам-корликни тобора кенгроқ йўлга қўйиш, кино ижодкорларнинг хорижий ҳамкасблари билан ўзаро ижодий мулоқотини кен-гайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йилги фестиваль дастури-да Тошкент, Нукус, Урганч ва Жиззах шаҳарларидаги катта эк-ранларда Европанинг етакчи ре-жиссёрлари томонидан яратил-ган фильмлар намойиш этили-ши кўзда тутилган. Фестиваль дастуридан ўрин олган тадбир-лар, намойиш ва премьералар Тошкентда жорий йилнинг 18 октябрда қадар давом этади.

VII Европа киноси фестивали доирасида кўнча дунё мамлакат-лари режиссёрларининг экран асарлари Нукус шаҳрида — 24-26 октябрь, Урганч шаҳрида — 1-3 ноябрь ва Жиззах шаҳри ки-нотеатрларида — 8-10 ноябрь кунлари намойиш этилади.

Фестиваль доирасида Европа-нинг Австрия, Бельгия, Болга-рия, Венгрия, Германия, Дания, Италия, Латвия, Нидерландия,

Финляндия, Франция ва Швеция давлатларининг таниқли режис-сёрлари томонидан яратилган 10 та фильм тақдим этилади. Жумладан, "Белгияликлар қиро-ли" комедия жанрида сураатга олинган драма катталар учун қизиқарли бўлса, "Қишдаги Лу-иза" анимацияли фильми бола-ларни бефарқ қолдирмайди.

"Стефан Цвейг: Европа билан хайрлашуш" ҳужжатли фильми, "Имитхон" ва "Кичик фермер" драмалари, инсоният тарихи, экологик долзарб масалаларга бағишланган "Ҳомо сапиенс" фильми, "Узоқдаги қучуқлар ҳай-кириги" ҳужжатли фильми, кри-минал элементларига эга "Чям-бра" драмаси, "Ҳаётдаги энг бах-тли кун" номли кўвнок экран аса-ри ва "Жаннат 89" бадиий кар-тиниси ҳам фестиваль дастури-дан ўрин олган фильмлардир.

Улар мавзу, жанр, ёндашуш жи-ҳатдан гоят ранг-баранг, бири бошқасини такорламамаслиги, то-мошбинларнинг кенг аудитория-сига мўлжаллангани билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга ижодий ташкилотларда, санъат йўналишидаги олий таълим мас-канларида мазкур кино фести-валь иштирокчилари билан уч-рашувлар, маҳорат дарслари бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Европа киноси фестивали ми-н-тақининг маданий ранг-баранг-лигини ёрқин жилоларда акс эт-тириш орқали Европа кино са-ноати янгиликларини тақдим этиш баробарида Ўзбекистон то-мошбинларига сўнгги йиллар-да яратилган картиналардан баҳ-раманд бўлиш имконини бера-ди. Барча фильмлар рус ва ўзбек тилларидаги субтитрлар билан аслият тилида намойиш этила-ди. Киносансларга кириш эса бепул.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИНГ МУҲОҒАЗА ЗОНАСИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ Тўғрисида

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси Тошкент Магистрал газ қувурлари бошқармаси огоҳлантиради. Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида шахрлар, аҳоли ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъмин-ловчи юқори босимли магистрал газ қувурлари ўтганлиги-ни эслатиб ўтади.

Магистрал газ қувурларининг хавфсиз ишлашини таъ-минлаш ва қувурларнинг шикастланишига (қувурларнинг қандай ўтказилишидан қатъи назар) йўл қўймаклик учун "Магистрал қувурлари ҳимоя қоида-си" ва Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 69-моддасига асосан **му-ҳофаза зонаси** ўрнатилган. Бунда:

— қувур трассаси бўйлаб қурилиш ишлари учун хавфсиз-лик ер участкаси кўринишида, қувурлар диаметрига мос ҳолда қувур ўқининг ҳар икки томонига **100 метрдан 350 метргача** масофада шартли чизиқлар билан чегараланган бўлади;

— қишлоқ ҳўжалиги ишларини олиб бориш учун тааллу-кли ерларда ҳимоя майдони қувур ўқининг ҳар икки томони-га **25 метр** масофада ўтадиган бўлиб, шартли чизиқлар билан чегараланган;

— компрессор ва газ тақсимлаш станция иншоотлари чегараларида ҳар томонга **100 метр** масофада шартли чизиқлар билан чегараланган ер участкаси кўринишида бўла-ди.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер участка-рини ердан фойдаланувчилардан олиб қўйиладиган ва улар-дан "Магистрал газ қувурларини муҳофаза қилиш" қоида-ларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб бориш учун фойдаланилади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасидики қишлоқ ҳўжалиги иш-лари, экиш ва йиғиш компанияси бошлиқини олдиндан Тош-кент МГКБга олдиндан маълум қилган ҳолда олиб борили-ши лозим.

Қувурларнинг муҳофаза зонасидики қувурлардан бир меъ-ёрда фойдаланушга ҳалақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИЙҚЛАНДИ, жум-ладан:

— ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш ва иншо-отларни тиклаш;

— ҳар хил турдаги дарак ва бута ўсимликларини экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан гамлаш, от боғлайдиган қозқорларни жойлаштириш, чорва-ни сақлаш, балик етиштириш учун участкаларини ажратиш, балик ҳамда бошқа сувда ўсувчи ва юрвучи ҳайвонларни етиштириш, жониворлар сув ичидида сувлоқларни қуриш, мушчи ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

— қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоот-ларини қуриш, трактор ва механизмлар учун жойларни қуриш, жамоа боғлари ва поллизарни жойлаштириш;

— турли хил қурилиш, монтаж, портлатиш ва тоғ ишла-рини амалга ошириш, тупроқни (грунтни) режалаштириш;

— ернинг мелiorацияси ишларини амалга ошириш, су-ғориш ва қуритиш тармоқларини қуриш;

— НҲК ва назорат ўлчов пунктлари, сигнал беруви ва огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларни ўзгатириш;

— қатод ҳимояси станцияси, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиб ва ўчириш;

— турли хил ахлат тўпламаларини пайдо қилиш, ишкор-лар, тузалар ва кислота эритмаларини тўқиш;

— қувурларни бузилишлардан сақлаш ҳамда ён-атрофини ва яқин жойлашган ҳудудни, транспортирровка қилинадиган махсулотни авария натижасида тўқилишдан сақловчи, ер ости ва сувни ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мус-тақам тутувчи қурилмаларни бузиш;

— олов ёқиб ёки шунга ўхшаш очик ёки ёпиқ олов манбаларини уюштириш.

Ўз хавфсизлигини таъминлаш
Магистрал қувурларининг ҳимоя қоидаларининг бузилишига айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фу-қаролар, Ўзбекистон Республикаси "Маммурий ҳа-вобарлик тўғрисида"ги Кодексининг "Магистрал қувурларининг ҳимояси қоидаларини бузиш" ҳақидаги 150-моддасига асосан жавобгарликка тортилди.

Магистрал газ қувурларининг фойдаланувчи кор-хона ва ташкилотлар манзиллари:

• "Ўзтрансгаз" АК, 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31а-уй.

• Тошкент МГКБ, 1000160, Тошкент шаҳри, Сер-гели тумани, С.Олим кўчаси, 22-уй.

П.Ф.Боровский номидаги тебиёт коллежи томонидан 1998 йилда Шамшимухамедова Гулбаҳор Шахатовна номига берилган № 239858 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофа-за қилиш коллежи томонидан 2017 йилда Комилов Асқар Авазович номига берилган № 704 рақамли ўқувчилик гу-воҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**